

«Асака» Банкнинг 2020 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси¹

«Асака» Банкнинг 2020 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси «Асака» Банкнинг Ўзбекистон банк бозорида 2020 йилдаги тижорат фаолияти учун асос ҳисобланади ва 2020 йил учун белгиланган стратегик параметрларни амалга ошириш, жумладан, уларга эришиш учун тадбирларни ҳам ўз ичига олган молиявий лойиҳадир.

Жумладан,

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.09.2017 йилдаги №ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан тизимли асосда банкларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш топширилган.

2. Аҳолининг мамлакат банк секторига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, мижозларнинг эҳтиёжларини доимо мониторинг қилиб бориш, банк хизматларини кўрсатиш маданиятини ошириш, ҳар бир мижознинг талабини қондира оладиган илғор банк хизматларини кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.03.2018 йилдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори қабул қилинди.

3. Устав фондида давлат улуши мавжуд банклар фаолиятининг паст самарадорлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш ва уларни тезкор равишда илғор амалиёт ва халқаро стандартлар асосида фаолият юритувчи барқарор молиявий муассасаларга айлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2018 йилдаги ПҚ-4071-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

4. «Асака» акциядорлик тижорат банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, активлар сифатини яхшилаш ва корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.06.2019 йилдаги ПҚ-4368-сонли ««Асака» акциядорлик тижорат банкнинг молиявий ҳолатини тубдан яхшилаш ва фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

5. Устав капиталида давлат улуши бўлган банкларнинг молиявий барқарорлигини, давлат ривожланиш дастурларини молиялаштириш тизими самарадорлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини фойдаланиш ёндашувини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9.08.2019 йилдаги ПҚ-4487-сонли «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Режа кўрсатилган муаммоларни, банкнинг реал истиқболлари ва потенциал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва ягона мақсадга эришишга йўналтирилган барча ташкилий тузилмаларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи 2020 йилга мўлжалланган корпоратив вазифаларнинг аниқ-равшан қўйилишини ўз ичига олади.

2020 йилга мўлжалланган Банк даромадлари ва харажатларининг тузилмаси

¹ «Асака» банк Кенгаши томонидан мақулланган (27.11.2019 йилдаги 69-сонли Баён).

	млрд сўм	нисбий қиймат
Даромадлар жами, шу жумладан:	4 145,0	100,0%
Фоишлик даромадлар	3 245,0	78,3%
Фоизсиз даромадлар	900,0	21,7%
Харажатлар жами, шу жумладан:	3 695,0	100,0%
Фоишлик харажатлар	2 265,0	61,3%
Фоизсиз харажатлар	250,0	6,8%
Операцион харажатлар	565,7	15,3%
Ссуда ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий зиёнлар захираси	502,3	13,6%
Фойдадан солиқ	112,0	3,0%
Соф фойда:	450,0	